



■ ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ДЕПУТАТ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РЕГЛАМЕНТИГА МУВОФИҚ, ДЕПУТАТЛАР ЖОРИЙ ЙИЛ 25-30 МАЙ КУНЛАРИ ЎЗ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИБ ҚАЙТДИ.



Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар.

Депутатларнинг қайд этишича, учрашувларда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда нуфузини мустаҳкамлаш

борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида сайловчилар билан фикр алмашилди. Бундан ташқари, аҳоли вакилларига 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли

бандлигини таъминлаш дастури, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳаларининг аҳамияти ҳа-

қида ахборот берилди. Учрашувлар сайловчиларнинг фаол иштироки, қизғин савол-жавоблар асосида ўтди.



■ ТАДБИР

«Меҳрим сенга армуғон»

■ ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши Меҳрибонлик уйлари болаларига совғалар улашди.



Баланд қурилган уй, ховли олди қип-қизил гулзор, гулзорда қўл ушлашиб олган болалар, уларнинг меҳрибон ота-оналари, мусаффо осмон узра кўёш ўзининг қайноқ заррин нуруни улашмоқда.

Бу тасвирларни Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ноғирон болалар интернат-уйи тарбияланувчиси Оля Шинкаренко оқ қозога туширди.

1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган «Меҳрим сенга армуғон!» кўрик-танлови Оля Шинкаренко сингари болаларнинг қалблариданг энг эзгу тилакларини рангин қаламлар орқали ифодалашга имконият яратди.

50 нафар тарбияланувчи иштирок этган танлов бо-

лаларга ўзгача қувонч бағишлади.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бунёджон Эшонқулов, вилоят «Кизил ярим ой» жамияти раиси Юлдузхон Раҳимова, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилбархон Мамаджанова болаларни байрам билан табриқлашди ва уларга совғалар топширди.

Расмлар танловиди Оля Шинкаренко биринчи ўринни қўлга киритди.

Феруза НИШОНОВА,
«Фол оёқлар» қаноти
Фарғона вилоят бўлими
етакчиси.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий партия кенгашларида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарининг иш самарадорлигини ошириш, йирик бошланғич партия ташкилотларида бундай қабулхоналар тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўради.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

Қорақалпоғистонлик иқтидорли ёшлар

ЎзХДП сафида бўлишни исташмоқда

■ Турли соҳаларда ютуқларга эришиб, маррани баланд олаётган кўплаб ёшлар ЎзХДП сафига қўшилиш ниятини билдиришмоқда. Хўш, фаол ва зукко ёшлар нега айнан бизнинг партиямизни танламоқда?



Йўловчи манфаатини ўйлаб...

Ёки поезд чиптасини қайтариш тартиби ҳақида

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багажи ташиш қоидалари тўғрисида»ги қарориди бу масаладаги тартиб белгилаб қўйилган. Унга кўра, фойдаланилмаган чипта темир йўл станцияси кассасига йўловчи ташиш поезди жўнашига 24 соатдан ортиқ вақт қолганда қайтарилса, унинг тўлиқ қиймати, 24 соатдан кам вақт қолган бўлса, масалан, поезд жўнашига 6 соатдан кўп вақт қолганда қайтарилса, чипта қийматининг ва плацкарта харажатларининг эллик фоизи, поезд жўнашига 6 соатдан кам вақт қолганда ёки поезд жўнаб кетгач, 1 соат ўтмай қайтарилган ҳолда чипта қиймати, яъни (тариф) тўлиқ қайтарилмайди. Аммо плацкарта қиймати қайтарилмайди.



■ «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015»

Мамлакатимизда «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинларининг финал босқичи ёшлик ва спорт байрами сифатида катта шодиёналар билан ўтказилди.

Гўзаллик, маҳорат ва шижоат намойиши

Тошкент вилояти. Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ҳар қачонгидан гавжум. «Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларининг вилоят финал босқичи голибларини тақдирлаш мақсадида уюштирилган маросим ёшлик ва шижоат байрамига айланиб кетди.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида Тошкент вилоятида кўплаб спорт иншоотлари, сув ҳавзалари ва стадионлар барпо этилди. Ўтган йиллар давомида вилоятда 150 дан зиёд спорт иншооти қурилди ва реконструкция қилинди. 2014 йилда олти мактабнинг спорт зали, учта мусиқа ва санъат мактаби, битта ёпиқ сузиш ҳавзаси янгидан қурилиб, замонавий анжомлар билан таъминланди.

— Дунёнинг кўплаб давлатларида қизиқиш билан ўрганилаётган мазкур ноёб тизимнинг илк бўғини «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ўз кучи ва салоҳиятини кенг намойён этиши учун беқиёс имконият яратмоқда, — дейди «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Дониёр Рихсибоев. — Мусобақанинг саралаш босқичларида 250 мингдан ортиқ ўғил-қиз спортнинг 17 тури бўйича ўзаро

гуллар шаҳар аҳли ва меҳмонларига янада кўтаринки кайфият бахш этади. Буларни «Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларининг вилоят финал босқичи голибларини тақдирлаш учун «Ёшлик» спорт мажмуасига келган одамларнинг юз-кўзларидаги шодумонлик, шукроналик туйғусидан ҳам пайқаса бўлади.

Вилоятда 2003-2014 йилларда юздан ортиқ спорт иншооти, сув ҳавзалари ва стадионлар бунёд этилиб, замонавий жиҳозланди. Уларнинг 90 фоизи қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётгани, айниқса, эътиборлидир. Мазкур муассасаларда минглаб ўқувчи спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Вилоят ёшлари ўтган йилнинг ўзидида Осиё ва жаҳон чемпионатларида 35 олтин, 37 кумуш, 53 бронза, жами 125 медални қўлга киритгани фикримиз исботидир. Улар орасида Ҳазорасп туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Нодирбек Ёқуббоев ҳам бор.

Президентимиз ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари ёш авлоднинг спортга кенг жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор



баҳшлашди. Финал босқичига етиб келган болалар орасида таниқли спортчилар билан бирга янги номлар ҳам бор.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг вилоят финал босқичида Чирчиқ шаҳри спортчи-ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Олмалиқ шаҳри вакилларига насиб этди. Янгийўл тумани вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлди.

Тошкент вилояти ҳокими А.Усмонов Чирчиқ шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — «Дамас» автомашинасини топширди. «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида яхши кўрсаткичларга эришган бир гуруҳ ўғил-қизлар ҳам муносиб тақдирланди.

Ёшлик ва спорт байрами санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

Хоразм вилояти. Урганч ёшлик ва спорт шаҳрига айланди. Мухташам иморатлар, кенг кўчалар, сўлим хиёбонлар байрамона безатилган. Ўзидан хушбўй ифोर таратаётган анвойи

топтириш, йигит-қизларимизнинг қалбиди Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат туйғулларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг вилоят финал босқичида Урганч шаҳри жамоаси голиб, деб топилди. Хива тумани ўқувчилари иккинчи, Шовот тумани вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди.


Хоразм вилояти ҳокими П.Бобононов Урганч шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — «Дамас» автомашинасини топширди.

Ёшлик ва спорт байрами голиб ва совриндорлари медал, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, болалар ижодий жамоалари, санъат усталари ҳамда эстрада хонандалари иштирокидаги концерт билан якунланди.

Б.ҲИДОЯТОВ, А.ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбирлари.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Учрашувлар
фикр-мулоҳазалар,
таклифларга бой тарзда
ўтди



■ Жамоатчилик қабулхонаси аҳолини партия билан боғловчи муҳим воситага айланди

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти партия Сайловолди дастурига мувофиқ чекка қишлоқларда спорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларини, айниқса, қизларни ҳомийлар ёрдамида спорт анжомлари билан таъминлаш чораларини кўряпти.

Қишлоқ қизлари спорт билан шуғулланмоқда

Мазкур йўналиш бўйича «Қишлоқ қизларининг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш — уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим жиҳати» лойиҳаси доирасида Галлаорол тиббиёт коллежида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда тумандаги мавжуд 7 та касб-хунар коллежи ва 1 та академик лицейнинг спортчи қизлари иштирок этди.



— Коллежимизда ўқувчи қизлар спортнинг ўзлари ёқтирган турлари бўйича мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратилган. — дейди тадбир қатнашчиси, саноат касб-хунар коллежи ўқувчиси Ноҳира Эркинова. — Волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика, бадий гимнастика сингари спорт тўғрисидаги фаолият кўрсатади. Бу эса ўқувчиларнинг, хусусан, қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, улар жисмонан ва руҳан соғлом бўлишлариغا хизмат қилади.

Шу кунги лойиҳа доирасида қизлар ўртасида волейбол мусобақаси ўтказилди. Тўртта сараланган жамоа иштирок этган белаушвучи яқунларига кўра, саноат касб-хунар коллежи қизлари биринчи ўринни эгаллашди. Ҳозирда ва фаол қатнашчиларга диплома ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Белаушвучида ўз маҳоратини намойиш этган қизларнинг бир гуруҳи ЎзХДП сафига қабул қилинди. Улар орасида Галлаорол иқтисодиёт касб-хунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Зулфия Рустамова ҳам бор.

— Коллежда ўқиб, касб-хунар эгаси бўлаётганимдан мамнунман, — дейди у. — Эртанги кунимдан кўнглим тўқ. Ҳозирданок иш жойим аниқ. Спортнинг ўзим ёқтирган — енгил атлетика тури билан шуғулланишман. Тўғри, машҳур спортчи бўлаётганим мумкин. Лекин соғлом бўлиб вояга етман. Биз ёшларнинг меҳнат ҳуқуқимизни амалга ошириш бўйича қўллаб-қувватлаш илгари сураётган сиёсий партия — ЎзХДП аъзоси бўлишга аҳд қилдим. Бундай қарорга келишимда ёшлар манфаатларига хизмат қиладиган, қизиқарли ҳамда фойдали тадбирлар катта туртки бўлди.

Жамила ШУКУРАЛИЕВА,
 ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши сектор мудир.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ДЕПУТАТ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, партия фракцияси раҳбари Хотамжон Кетмонов 11-Бўз сайлов округида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Депутат дастлаб Бўз туманидаги 26-иختисослашган мактабда битирувчилар билан суҳбатлашди.

Мактабда 341 нафар ўқувчи таълим-тарбия оляпти. Шундан 43 нафар ўғил-қиз 9-синфини битириб, коллежларда ўқишни давом эттиришади. Учрашув пайтида ўқувчилар ўзбек, рус, инглиз, корей тилларида «Болалар парламенти» қандай фаолият кўрсатаётгани ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Иختисослашган мактаб директори Галина Цой депутатга мазкур таълим даргоҳи фаолияти билан таништирди.

Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда кўплаб мусиқа ва санъат мактаблари курилди. Бўз туманидаги 15-мусиқа ва санъат мактабида айтилган 153 нафар ўқувчи устозлари кўмагида санъат сирларини кунт қилиб ўрганмоқда. Бу маскандаги учрашувда ўқитувчилар, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок эттишди.

— Туманимиз иқтисодиёти, асосан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ, — деди «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуджон Раҳмонов. — Санокли саноат корхоналари фаолият юритяпти. Янги корхоналар очилди, чет эл инвестициясини жалб этиш борасида амалий ишлар қилиш вақти келди. Бу янги иш ўринлари яратилиши, қишлоқларда саноат ривожланиши, турмуш фаровонлиги

яқшиланишида муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат фахрийси Тўхтахонов Тешабоева туман марказидаги дам олиш масканини замон талаблари асосида қайта қуриш таклифини билдирди.

— Юртимиз тинчлиги — бебаҳо неъмат. Ҳар тонг фарзандларимиз, набираларимиз ардоғида умргузаронлик қилаётганимиз учун яратилган шукроналаримиз айтишимиз, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Каримахон Ғофурова. — Бугунги учрашувда ҳам бу ҳақда кўп фикрлар айтилди. Янги қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини билдик, ўзгаришлардан хабар топдик.

Хотамжон Кетмонов қўшни Улугнор, Балиқчи туманларида ҳам сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Улугнор туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти фаоллари билан суҳбат қизгин кечди. Янги бунёд этилган маданият ва дам олиш марказидаги учрашув кўтаринки руҳда ўтди.

— Сайловчиларнинг ишончини амалий ишлар билан оқлаймиз, — деди депутат. — Президентимиз «Депутат қайси партига мансуб бўлмасин, биринчи навбатда, сайловчилар олдида, эл-юрт олдида жавоб беради», деганлари бизни доим фаол ва талабчан бўлишга дъват этади. Учрашувларда нурунийлар, ёшлар томонидан кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Жойлардаги муаммоларнинг ечимини топиш учун ҳаракат қилишимиз, сайловчиларнинг ишончини оқлашимиз керак. Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар бизга катта масъулият юклайди, янада гайрат-шижоат билан ишлашга ундайди.

Депутат фикри

Сайловчиларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлиги тобора ошиб бораётгани, айниқса, учрашувлар пайтида яққол сезилди. Улар амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишлардан яхши хабардор. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ҳар бир ўзгариш ўз ҳаётига нима янгилик олиб киришини кузатиб-билиб бормоқда.

КАШҚАДАРҒИ ВИЛОЯТИ

120-Шахрисабз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Феруза Эшматованинг туман марказий шифохонасида сайловчилар билан ўтказган учрашуви сайловчилар учун ҳам, депутат учун ҳам фойдали бўлди.

Депутат дастлаб қабул қилинган қонунлар, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти хусусида сўзлаб берди. Жумладан, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»-

— Қонунчилик палатаси де...



ги қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг қизгин савол-жавоблар бошланди. Сайловчилар ўзларини ўйлантираётган масалалар бўйича депутатга муножот қилишди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Зокир Ашуров бундан анча йил олдин 4 қаватли 2 та бино қурила бошлангани, афсуслик ҳозиргача чала ётгани, қурилиш ниҳоясига етказилса, марказий шифохонада янги имкониятлар яратилиши ҳақидаги масалани кўтарди. Депутат бу масалани батафсил ўрганиб чиқишини айтди.

Феруза Эшматова Шахрисабз шаҳрида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан бунёд этилган 48 хонадонга мўлжалланган 4 қаватли уйни фойдаланишга топшириш маросимида ҳам иштирок этди. Депутат бундан ташқари мактаб ҳамда академик лицейда ҳам сайловчилар билан учрашди.

— Кутчи қишлоғида ўтган учрашув, айниқса, эсда қоларли бўлди, — дейди Феруза Эшматова. — У ерда, аввало, 1-гуруҳ ногирони Фузор Маматовнинг ҳолидан хабар олдик. Ҳозир 65 ёшга кирган Фузор ота анча йил ҳўжалиқларда раҳбарлик қилган. Кейин касабга уюшмалари туман кенгашини бошқарган. Бир неча йил халқ депутатлари туман Кен-

гашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари бўлган. У киши менга «Эл-юртга чин дилдан хизмат қилинг, қизим!», деганларида юрагим тўқилгани кетди.

122-Ғузор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромованинг сайловчилар билан учрашуви қизгин бошланди, кўплаб саволлар тушди, айрим муаммолар ўртага ташланди...

Дастлабки учрашув туман халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётган ўқитувчилар билан бўлиб ўтди. Комила Каромова Қонунчилик палатасидаги фракциямиз фаолияти ҳақида тўхталди. Президентимизнинг парламент қўшма мажлисида қонунларни янада такомиллаштириш, уларнинг ижро механизмларини кучайтириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари парламент фаолиятига таъбиқ этилаётганини қайд этди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан меҳнат ва унинг муҳофазасига оид қонун ҳужжатлари тарғиботи ўтказилаётганининг аҳамияти, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги қонуннинг моҳияти чуқур шарҳлаб берилди.

Учрашувлар пайтида одамларнинг дунёқараши кенгайиб бораётганини яққол сезилди.

Масалан, тумандаги 18-умумтаълим мактаби директори Улаш Қодиров ҳудудда болалар боғчиси билан боғлиқ масалани кўтарди. Шунингдек, таълим сифатини янада ошириш, педагогларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришлар киритиш кераклиги ҳақида таклиф берди.

— Қонунчилик палатаси де...

Қорақалпоғистонлик иқтидорли ёшлар

ЎзХДП сафида бўлишни исташмоқда

Абдиқамал Заримбетов,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистри, Навоий стипендияси соҳиб:

— Оммавий ахборот воситалари орқали доимо ЎзХДП фаолиятини кузатиб бораман. Яқинда менда партия ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш истаги пайдо бўлди. Унинг дастури билан қайта танишар эканман, жамиятнинг барча қатмарларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида илгари сураётган ғоялари эътиборимни тортиди. Минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта-маҳсув ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш, бепул ва имтиёзли тарзда фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтириш каби вазифалар катта таассурот уйғотди.

Таълим тизимига оид 20 дан ортиқ халқаро ва республика даражасидаги илмий-амалий конференцияларда ўз маърузаларим билан иштирок этдим. Таълимни ривожлантириш мамлакат тараққиётини юксалтиришда, халқнинг маданияти ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман. Таълим тизимини замонавий ислохотлар амалга оширилиши кўплаб-қувватлайман. Шунинг учун ЎзХДПни танладим.

Келажақдаги максим ўз соҳамни чуқур эгаллаб, етук мутахассис бўлиб етишишим. Партиямиз таркибиде иқтидорли ёшлар сафи янада кенгайди, деган умиддаман.

Алтинай Тлеғенова,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси, Республика фан олимпиадаси ғолиби:

— 2014 йил тест имтиҳонларисиз олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилидим. Бизга шундай имкониятлар яратилган экан, улardan, албатта, фойдаланишимиз, ҳар томонлама фаоллигимизни кўрсатишимиз керак. Мен ҳам сиёсий билимларимни янада чуқурлаштириб, фуқаролик позициямни мустаҳкамламоқчиман. Шунинг учун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан бирига аъзо бўлишга аҳд қилдим. Ҳамма партия дастурлари билан танишиб чиқдим.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжга кўра, кадрлар тайёрлаш, бунинг учун олий ўқув юртига грантлар ажратилишини қўшимча рағбатлантириш таклифи ЎзХДП дастуридан ўрин олган экан. Имконияти чекланган болаларни махсус адабиёт ва кўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига олган инклюзив таълимни янада ривожлантириш, соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар жорий этиш, жисмоний имконияти чекланган талабаларнинг олий ўқув юртида таълим олиш имтиёзларини кенгайтиришга қаратилган ғоялар ЎзХДПни танлашимга туртки бўлди.

Параҳат Қозоқбоев,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси, Республика фан олимпиадаси ғолиби:

— ЎзХДП ёшлар сиёсати билан боғлиқ кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Масалан, «Коллеждан — корхонага», «Ёш сиёсатчи», «Агар мен депутат бўлсам», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» каби лойиҳалар йиғит-қизлар ҳаётида ўз ўринини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида томошабин сифатида қатнашган эдим. Бу йил унда ўзим иштирок этдим. Танловда қатнашши жараёнида партия ҳақида маълумотим янада бойиди. ЎзХДПга бўлган қизиқишим ортди. «Истикбол» ёшлар қаноти қошидаги «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзолари билан дўстлашдим, уларнинг сафида бўлишга қарор қилдим.

Хурлиман НУРЖАНОВА,
 Зулхайо АРТИКОВА.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

■ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРГА САМАРАЛИ ЕЧИМ ТОПИШ, ОДАМЛАРНИНГ ПАРТИЯГА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ КЎП ЖИҲАТДАН СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ҚАНЧАЛИК ЧУҚУР КИРИБ БОРИШИГА БОҒЛИҚДИР. БУНДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ҲАР ТОМОНЛАМА МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ ЛОЗИМ.



■ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯХШИЛАШ, ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ҚАБУЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ЎТИШ, НАМУНАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ТАЖРИБАСИНИ ОММАЛАШТИРИШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛАРИМИЗНИНГ ЎЗ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ БИЛАН АЛОҚАСИНИ МУНТАЗАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ДОЛЗАРЬ МАСАЛАДИР.



Йўловчи манфаатини ўйлаб...

Ёки поезд чиптасини қайтариш тартиби ҳақида

■ Мухбиримиз йўловчиларни қизиқтирган айрим саволлар билан «Ўзтемирўйловчи» акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент Марказий вокзал филиали бошлиги Дилшод Ҳожиакбаровга мурожаат қилди.

— Бугунга келиб йўловчи учун темир йўл энг қулай ва ишончли хизмат воситаларидан бирига айланди, — дейди у. — Дарҳақиқат, ҳар бир киши бу хизматдан эмин-эркин фойдаланиши учун замонавий қулайликлар яратилаётир. Бундан йўловчилар миннатдор бўлишмоқда.

Шуни ҳам айтиш кераки, айрим ҳолларда йўловчи поездга чипта харид қилиши, чиптани қайтариб топширишда тушунмовчилик, муаммолар юзага келмоқда. Бунга аксарият ҳолларда йўловчиларнинг чиптани қайтариб топшириш тартиб-қоидаларини яхши билмаслиги сабаб бўлмоқда.

— Поездга олинган чиптани қайтариб топшириш ёки бошқа санга ўзгартириш қандай тартибда амалга оширилади? Бу борада аниқ қоида белгиланганими?

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги темир йўл транспортида йўловчилар, бағаж ва юк бағаж ташиш қоидалари тўғрисида»ги қароридан бу масаладаги тартиб белгилаб қўйилган. Унга кўра, фойдаланилмаган чипта темир йўл станцияси кассасига йўловчи ташиш поезди жўнашига 24 соатдан ортқ вақт қолганда қайтарилса, унинг тўлиқ қиймати, 24 соатдан кам вақт қол-

ган бўлса, масалан, поезд жўнашига 6 соатдан кўп вақт қолганда қайтарилса, чипта қийматининг ва плацкарта харажатларининг эллиқ фоизи, поезд жўнашига 6 соатдан кам вақт қолганда ёки поезд жўнаб кетгач, 1 соат ўтмай қайтарилган ҳолда чипта қиймати, яъни (тариф) тўлиқ қайтарилди. Аммо плацкарта қиймати қайтарилмайди.

Айтиш кераки, автоматлаштирилган чипта сотиш тизими орқали олинган чипта қайтарилса, у қайси станцияда расмийлаштирилганидан қатъи назар, исталган станцияда тўлов амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан харид қилинган чипталар темир йўл чипта кассасига кассида 7 кун олдин қайтарилса, у йўловчи ташиш поезди жўнашига 3 кун қолмасдан қайтарилса, плацкартнинг 50 фоиз қиймати ушлаб қолинади. Чипта (қайтариш олинган чипта ҳам) йўловчи ташиш поезди жўнашига



Санжар ШОТЎЛААНОВ олган сурат.

3 кун қолганда қайтарилса, унинг ҳақи тўлиқ бўлади, аммо плацкарта қиймати ушлаб қолинади.

Автоматлаштирилган чипта сотиш тизими орқали нақд пулсиз, яъни, пул ўтказиш йўли билан олинган чипта бўйича тўлов ташувчининг даввосига кўра, чиптада белгиланган ўринларни тизимга қайтариш шарти билан амалга оширилади.

Ташувчининг айби билан йўловчи ташувчи поезд кечикса, йўловчи поездда кетишдан воз кечса, ташиш тўловлари ва воситачилик йиғимлари унга тўлиқ қайтарилади. Бу ҳолатда қайтариш операцияси учун воситачилик йиғими ундирилмайди. Автоматлаштирилган чипта сотиш тизими орқали чипта ўрнига чипта

олишга рухсат берилади. Бунинг учун чипта эгаси илгари олган чиптани чипта қайтариш кассасига поезд жўнашидан олдин топшириши керак. Чипта қайтарилганда, йўловчидан қайтариш операцияси учун белгиланган миқдорда йиғим ундирилмайди.

Уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва темир йўл транспорти ходимларига чипта қайтарилган тақдирда, қайтариш операцияси учун йиғим ундирилмайди.

Йўловчи қўлида бетоблиги ҳақидаги тиббиёт муассасаси берган маълумотнома бўлмаса, яъни ўйиб билан поезддан ўз вақтида қайтариш операцияси учун воситачилик йиғими ундирилмайди. Агар йўловчи маст бўлса ёки назорат кўригидан ўтмаган бўлса, чипта бошқа

паспорт билан олинган бўлса чиптада бағажни қабул қилиш ҳақида штамп мавжуд бўлса, чипта шикастланганда (дейлик йиртилган, бирон нима ёпиш-

Ташувчининг айби билан йўловчи ташувчи поезд кечикса, йўловчи поездда кетишдан воз кечса, ташиш тўловлари ва воситачилик йиғимлари унга тўлиқ қайтарилади.

тирилган ҳолатларда) ҳам чипта қайтариб олинмайди.

— Агар чипта олиш банк пластик картчаси орқали амалга оширилган бўлса-чи?

— Ташувчи пластик картчадан пул кўчириш орқали харид қилинган чиптага тўловни қайтаришда нақд пул ишлатилмайди. Бу ҳукумат қароридан белгиланган. Йўловчи чипта билан паспортни кўчириб, чипта олган кассасига мурожаат этади. Касса ходими берган махсус бланкани тўлдиргач, паспорт нусхаси билан чиптани кассасга топширади. Бизнинг ходимлар уни расмийлаштириб, бухгалтерияга тақдим этади. Шундан сўнг тегишли чегирма олиниб, чиптанинг қолган миқдори бир ойнинг ичида банк орқали мижознинг пластик картчасига ўтказилади.

— Йўловчилар поездлар қатнови жадвали ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши мумкинми? Бу борада қандай қулайликлар яратилмоқда? Интернет тармоғи қолган поездлар қатнови жадвалини кузатиб бориш мумкинми?

— Вокзал ҳудудида поездлар қатнови жадвали мавжуд. Уч йилдан буён «uzrailpass.uz» сайтига ишлатиб турибди. Ундан поездлар қатнови бўйича тўлиқ маълумот олиш мумкин. Шунингдек, пойтахт кўчаларидаги баннерларда ҳам бундай маълумот берилмаётир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ сўзбўлади.



Дунёнинг 200 нафар олими БМТга мурожаат этди

Яқинда дунёнинг 200 нафар олими Бирлашган Миллатлар Ташкилотига расмий мурожаат этиб, мобил алоқа тизими, аниқроғи, қўл телефонларидан нурлиниш оқибатларидан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тезкор жорий этиш зарурлигини баён этди.

Дарҳақиқат, қўл телефонларидан зарарлиниш шу қадар ташвишлими?

Россиянинг ионлашмаган нурлинишдан ҳимоя қилиш бўйича миллий қўмитаси раиси, биология фанлари доктори Олег Григорьевнинг «Аргументи ва факти» ҳафталигига берган интервьюсида маълум қилишича, «мобил телефонларини инқилоб»нинг кейинги ўн йиллик статистикаси шундан далолат бермоқдаки, дунё давлатлари аҳолисининг марказий асаб тизими ҳамда онкология хас-



таликлари билан касалланиш даражаси ортиб бораётганини исботлади. Бунга асосий сабаб электромагнит майдонларнинг организмга таъсири эканлигини олимлар яхши билади.

Шу боис ҳам дунёнинг бир гуруҳ олимлари мазкур хавфни назарда тутиб, БМТга мурожаат этиб, мобил алоқа тизими ишлаб чиқарувчилари олдига хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб берадиган технологик стандартларга ўтиш, электромагнит фонларига ёндашуви янгирақ ўзига солиш талабини қўйиш зарурлигини ўқитдилар.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

■ Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда ёлғиз кексалар ва ногиронларга профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди.

Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасида

Тегшли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда «Кексаларни ёвзоллаш йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда қўшимча ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга хизмат кўрсатишнинг комплекс тизими шакллантирилган. Ҳар йили давлат бюджети ҳисобидан 100 мингдан ортқ имконияти чекланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, 150 миллиондан сўндан ортқ маблағ сарфланади. Ижтимоий хизматлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари ва ҳокимиятлар тизимидаги 700 муассасада амалга оширилади. Айни пайтда ушбу хизматларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тизимлаштириш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, принцип ва механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ушбу Қонун лойиҳаси ҳам шу мақсадда ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг асосий тамойиллари, ушбу соҳада давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа маъсул идора ва хизматларнинг ваколатлари, мажбуриятлари оид мезърлар назарда тутилган. Мазкур ҳужжат лойиҳаси ягона интерактив хизматлар портали — www.mv.gov.uz да ҳам муҳокама учун жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган. Порталда лойиҳани мукамаллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш имконияти яратилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 2 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгилади.*)

■ 1 Австралия доллари	1941,72
■ 1 Англия фунт стерлинги	3879,89
■ 1 Дания кронаси	372,58
■ 1 БАА дирҳами	690,94
■ 1 АҚШ доллари	2537,54
■ 1 Миср фунти	332,57
■ 1 Исландия кронаси	18,87

■ 1 Канада доллари	2037,36
■ 1 Хитой юани	409,43
■ 1 Россия рубли	47,90
■ 1 Украина гривнаси	120,35
■ 1 Малайзия ринггити	691,24
■ 1 Польша злотийси	676,33
■ 1 СДР	3528,44

■ 1 Туркия лираси	952,92
■ 1 Швейцария франки	2693,49
■ 1 ЕВРО	2775,36
■ 10 Жанубий Корея вони	22,84
■ 10 Япония иенаси	204,51

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙМИЗ

Қаерда аҳиллик бўлса, бахт ҳам ўша ерда

■ Тинчлик биз қадрлайдиган, улуглайдиган энг буюк, энг азиз неъмат. Ота-боболаримиз дуога қўл очганларида, аввало, дунёга тинчлик, хотиржамлик, омонлик тиллашлари бежиз эмас. Бугунги шароитда тинчликнинг, миллатлараро тотувликнинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

Жиззах вилоятида 18 та миллат ва элатга мансуб бир миллионга яқин аҳоли яшайпти. Олтита миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Миллатлараро тотувлик бағрикенглик ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил амалга оширишда муҳим омил бўлаётир. Турли халқларга хос урф-одатлар, маънавий қадриятларни асраб-авайлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юнус Ражабий номидagi вилоят муносили драма театрида «Баркамол авлод шаклланишида миллий ва маданий қадриятларнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий семинарда шулар ҳақида фикр юритилди. Вилоят ҳокимлиги, республика Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир қатнашчилари вилоят Миллий маданий марказлари ва турли миллатларга хос хунармандчилик кўргазмалари билан танишдилар. «Дўстлик ва

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Миллий банк: фаолиятимиз янада кенгайиб бораверади

Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитлар самарасида ишлаб чиқариш корхоналари сафи йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқариш қуввати ортқ бормоқда. Корхоналарнинг юқори технологик ускуналар харид қилишида ва махсулотлар турларини кўпайтиришида молия муассасаларининг сармоялари

муҳим аҳамиятга эга. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Марказий амалиёт бўлими кўмағида «Global Water Invest» МЧЖ ўз фаолиятини кенгайтиришга ва янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлди. 2010 йилда иш бошлаган мазкур корхонада бугунга келиб, қўллаб турдиган салқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда.

Халқимиз фаровонлиги юксалгани сари озиқ-овқат махсулотларининг сифати ва турига бўлган талаб ҳам ортқ бормоқда. — дейди «Global Water Invest» МЧЖ иш юритувчиси Абдумажид Исроиллов. — Шу сабабли, Миллий банк молиявий кўмағида корхона ички модернизация этиб бориш, махсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Натижада корхонамизга хо-

риждан 380 млн. сўм қийматдаги замонавий технология ва жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Бугунги кунда йигирмага яқин салқин ичимликлар ва шарбатлар тайёрланапти. Келажакда махсулотларимиз турини янада кўпайтиришга режалаштирганмиз. Бу борада яна Миллий банкининг молиявий кўмағига сўянамыз, нега деганда, икки томонлама ишонч устувор экан, «Соғлиқимиз равнақ топаредади.

Эътиборлиси, корхона махсулотлари ички бозорда аллақандар ўз ўрнини топиб, савдо шохобчалари орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Жамоада 50дан ортқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти замонавий технологиялардан фойдаланишни пухта эгаллаган ёшлардир.

Миллий банк матбуот хизмати. Хизматлар лицензияланган



яшашман, билим оламан. Турли миллат вакиллари билан дўстларим, дугоналарим бор. Аҳил ва иноқимиз. Қаерда аҳиллик бўлса, бахт ҳам ўша ерда дейишди. Бунинг биз — ёшлар Ўзбекистон тинчлигида кўрпимиз.

Кимсанбой Назарбоев — Мирзачўл туманидан, меҳнат фариҳис, қозоқ миллий маданий маркази вакили:

— Туманимизда 12 миллат ва элат вакиллари яшайди. Умумтаълим мактабларида дарслар бир неча тилда олиб борилади. Ҳаммамиз кўда-анда бўлиб кетганмиз. Шўқулар бўлсинки, биз ҳар тунги оройишта, хотиржам кутиб олаёмиз. Бунинг боиси тинчлик, миллатлараро тотувликдир.

Мамат Гулбоев — вилоят кўргиз миллий-маданий маркази раҳбари:

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Вертолёт-такси тезкор хизмат кўрсатади

Яқин келажакда мегаполис шаҳар Москвада вертолёт-таксилар хизмати йўлга қўйилади.

«Мир новостей» ҳафталигида чоп этилган мақолада қайд қилинишича, айни пайтда «Мосшахартранс» ва «Транспорт департаменти» хаво транспорти қатновини ривожлантириш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Лойиҳа иштирокчиларидан бири «Рус вертолёт тизими» компанияси бўлиб, «ХелиЭкспресс» фирмаси вертолёт-таксилари унга қарашлидир.

Айни пайтда Москва-Сити ҳамда Москва музикачилар уйи яқинда компаниянинг учин-кўнун майдончаси ишга туширилган. Келгусида бундай хусусий вертолёт-такси майдонларидан яна 82 тасини бунёд этиш режалаштирилган.



Ҳозирча вертолёт-таксилар хизмати қимматлигини компаниядагилар ҳам тан олмақда. Бир марта учин миҳоз учун 10 минг рублни ташкил этади. Бироқ кейинчалик уни 5 минг рублга тушириш чоралари кўриломоқда.

Шаҳардан ташқари йўналишларда эса «ХелиЭкспресс», «Хелипорт Москва», «Аэромаркет» ва «Аэросоюз» фирмаларининг вертолёт-таксилари қатнови самарали фаолият олиб бормоқда. Новоризскдан Шереметьевога учин 15-25 минг, Внуковдан Шереметьевога 20-43 минг, Домодедовдан учинининг баҳоси эса 23-51 минг рублни ташкил қилади.

Бундан ташқари, шаҳарлараро қатновлар ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Москвадан Твергача 115 дақиқалик парвоз бир миҳоз учун 57 минг, Тулагача 78 минг, Нижний-Новгородгача 5,5 соатлик парвоз 195 минг рублга қилиб белгиланган.

Айни кунда юқорида санаб ўтилган фирмалар қулай 5-8 рейсини амалга оширмоқда. Яшанба кунлари эса парвозлар 15 тагача етмоқда.

Бу расмни «Болалар шаҳарчаси»да бизга ғамхўрлик қилиб, меҳр кўрсатаётган тарбиячиларимизга бағишлаб чиздим.

Она суратини чизган болалар

■ **Меҳрибонлик уйи ҳақида гап кетса, ижодкор дўстимнинг сўзлари эста тушади: Она ўз боласини меҳрибонлик уйига ташлаб кетди. Лекин вақт ўтиб, унинг тили «она» деб чиқди.**



тон шаҳар «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчиси, 14 ёш:

— Кўрик-танловга «Она» номли суратим билан қатнашдим. Бу расмни «Болалар шаҳарчаси»да бизга ғамхўрлик қилиб, меҳр кўрсатаётган тарбиячиларимизга бағишлаб чиздим. Келажакда маҳоратимни янада ошириб, расмом бўлишни ният қилганман.

Андрей Назаров, Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 12 ёш:

— Танловда «Ер юзида тинчлик бўлсин» номли суратим билан қатнашдим. Унда турли миллат кишиларини тинч-тотув яшаётганини чизганман. Бу суратимда оқ рангдан кўпроқ фойдаландим. Чунки оқ тинчлик, мусаффолик рамзи.

Деворга осилган суратларни томоша қилиб, ёш расмомларнинг кўнглидан нималар

бир дастурхон атрофида жамулган бўлган оила тасвирини чизишга ҳаракат қилади. «Она бағридаги бола» номли сурат эса кўпчиликни уйга толдиради. Унда она ўз боласини бағрига маҳкам босиб турибди. Бу суратни чизиш учун бола қалбидан нелар ўтганини тасаввур қилиш оғир.

Суратларга қараб, бола-жонларнинг ўз ота-оналарини жуда-жуда яхши кўришларини, жуда-жуда соғинишларини ҳис қиласиз. Кўнгилдан оғир саволлар ўтади...

Яқини натижаларга кўра, тасвирий санъат йўналишида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган қатнашчилар ўртасида Жиззах вилоятидаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Беҳзод Иномов, 11-16 ёшли иштирокчилар гуруҳида эса Сурхондарё вилоятидаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шаҳноза Примкулова биринчи ўринга лойиқ топилди. Амалий санъат йўналишида 4-10 ёшли қатнашчилар ўртасида Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Анастасия Крайнюк, 11-16 ёшли иштирокчилар гуруҳида пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Феруз Шарипов голибликни қўлга киритди.

Назаримда бирор иштирокчи мукофотсиз қолмади. Чунки бу танловда қатнашиш, янги дўстлар орттириш, тенгдошлар ижоди билан танишиш ҳамма-ҳаммага қувонч, шодлик улашди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛ

■ Шу кунларда Янги Зеландияда футбол бўйича ёшлар (U-20) ўртасида жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Кеча мусобақанинг гуруҳ босқичи дастлабки тур ўйинлари ниҳоясига етди.



Ўзбекистон — Гондурас — 3:4

Чемпионатнинг «F» гуруҳида иштирок этаятган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси илк учрашувида Гондураслик тенгқурларига қарши ўтказди. Мазкур баҳс голларга бой ўтганлиги билан муҳлислар эътиборини тортди. Учрашувда вакилларимиздан Достонбек Ҳамдамов, Элдор Шомуродов ҳамда Забиҳилло Ўринбоевлар рақиб дарвозасини ишғол этган бўлса-да, бу галаба учун камлик қилди. Терма жамоамиз ҳимоя чизғида йўл кўйилган кўпол хатолар эвазига Сарвар Каримов ўз дарвозаси тўридан тўрт бор тўп олиб чиқишга мажбур бўлди — 3:4.

Дастлабки турнинг энг йирик натижаси ҳам мусобақанинг «F» гуруҳида қайд қилинди: Германия — Фихи — 8:1.

Энди ёшларимиз иккинчи турда Германия ёшлар терма жамоаси, гондурасликлар эса фижиликлар билан куч синашади. Бу учрашувлар 4 июнь куни бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО



Суратда: Ўзбекистон — Гондурас ёшлар терма жамоалари баҳсидан лавҳа.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Тинчлик масъулияти

■ Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида ёшлар ва маънавий тарбия мавзусида тадбир бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети проректори Музроб Турдиев, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. — Мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ҳар бир соҳада кузатилаётган юксалишлар, миллатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, диний бағрикенглик энг аввало, тинчлик тўрайлидир, — дейди Шайх Абдулазиз Мансур. — Исломи дини инсонпарвар дин. Шу боис динимизда тинчлик-тотувлик энг улуг неъмат саналади. Бирок, айрим нопок кимсалар ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириш мақсадида дунё тинчлигига раҳна солмоқда, энг ачинарлиси улар ёшларни экстремизм ва террорчилик домига тортишга уринмоқда. Бир ҳақиқатни билишларингизни, англашларингизни истардим. Инсонлар қонини тўқайтганлар ислом динининг душманлари дин. Шунинг учун сиз ёшлар бугун яхши илм олишингиз, доимо хушёр ва огоҳ бўлишингиз керак. Яна бир жihatни унутманг, устозни ҳурмати бизнинг динимизда доимо улуғланган. Ҳазрат Али «Устоздан бир ҳарфни ўрганган инсон, унинг қули ҳисобланади, устоз қулни озод қилиши ҳам озод қилмаслиги ҳам мумкин» деган. — Бугун Ўзбекистон ёшларига бугун дунё ҳавас қилмоқда, — дейди Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети проректори Музроб Турдиев. — Мазкур академик лицейида бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ўғил-қизлар тахсил олишмоқда.

Сизларга қарата бир сўзни айтгим келади. Фақат ўқинг, спорт билан шуғулланг. Лицейда ўқийётган даврингиз эртага сизнинг келажакингизни белгилаб беради. Минг афсуски, айрим жойларда ёт оқимларга аралашиб қолаётган ёшларимиз ҳам учраб турибди. Мазкур тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад ўқувчиларни яна бир бор огоҳликка чақириб, уларнинг қалбига ватанга муҳаббат уйғотиш, мамлакатимизнинг буюк келажакига дахлдорлик ҳиссини уйғотишдир. Бундай шароитларда билим олган, фанларни чуқур ўзлаштириб, мустақил дунёқарашига эга бўлган болалар ҳар қандай зарарли ғояга қарши тура олади, деб ўйлайман. — Бугунги мулоқотдан ўқувчиларимиз ҳам, биз ҳам кўп маълумотлар олдик, — дейди ЖИДУ қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи директори Гулом Саидов. — Бу каби учрашувлар ўқувчиларимиз учун жуда зарур деб ўйлайман. Фарзандларимизни мустақил фикрли, дунёқараши кенг, турли ёт ғояларга қарши кураша оладиган қилиб тарбиялаш бизнинг асосий мақсадимиздир. Ушбу тадбир ана шундай муҳим масалаларга бағишлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўз мухбиримиз.

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR-AVTO-INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ
 Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
 Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
 (99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

ТАДБИР

■ Ҳар йили май ойининг сўнги ҳафтасида Наманганда анъанавий машрабхонлик кунлари ўтказилади. Бу галли мушоира «Китобхонлик байрами» тадбирлари билан ҳамоҳанг бўлди. Улуғ шоир номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғидаги Машраб ҳайкали ва уй-музейи олдида адабий жамоатчилик вакиллари, шоир-ёзувчилар, олим ва санъаткорлар жам бўлишди.

Наманганда машрабхонлик кунлари

«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими, сенатор Баҳодир Юсупов анжуман иштирокчиларини китоб байрами билан табриклади. Пойтахтдан ташриф биорган адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбеков, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби Сирожиiddин Рауф, таниқли шоир Зиёвуддин Мансуровларнинг машрабхонлик мушоираси ва китобхонлик байрамнинг маънавий-маърифий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари санъат усталарининг баддий чиқишларига уланди.

Наманган вилоятидаги бир қатор нашриётлар томонидан ташкил этилган китоблар кўргазмаси тадбирга ўзгача маъно, мазмун бағишлади. Машраб ижодига доир китоб ва қўлланмалар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Анжуман наманганлик таниқли ижодкорлар ва талаба-ёшлар мушоираси билан якунланди.

Носир АББОС

ОБ-ҲАВО	02-03.06 — 2015
Ўртаимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+20 / +25
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+17 / +22
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+20 / +25
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+16 / +21
Тошкент шаҳри	+18 / +20
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+18 / +19
Париж	+24 / +22
Москва	+23 / +29
Мадрид	+32 / +33
Пекин	+32 / +33
Канберра	+12 / +11
Рим	+29 / +32
Афина	+27 / +27
Токио	+26 / +27
Стокгольм	+14 / +16
Кейптаун	+18 / +16
Қоҳира	+32 / +33
Гавана	+26 / +28
Вашингтон	+22 / +19

MUASSIS:



Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|---------------------|------------------|--------------------------------------|
| Abdulla O'RIPOV | Ulug'bek | Saidahmad RAHIMOV |
| Hotamjon KETMONOV | MUSTAFOYEV | Farrux HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | Muslihidin | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV | MUHIDDINOV | Tat'yana KISTANOVA |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Ochilboy RAMATOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) |

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
 100000, Toshkent,
 Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshxonasida chop etildi.
 Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
 «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
 17809
 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
 t — Tijorat materiallari
 O'ZA yakuni — 23.25
 Topshirilgan vaqti — 21.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
 Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
 Sahifalovchi-dasturchilar:
 Zafar BAKIROV
 Behzod ABDULLAZAROV



1 2 3 5 6